Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2008 йил 26 февраль – 3 март № 8 (576) Сешанба кунлари чиқади

Халқаро давра суҳбати

ЁШЛАРДАГИ ИНТИЛИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва иктидорларини намойиш этишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиш борасида бугун кўпгина амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 21 февраль куни пойтахтимизнинг «Dedeman» мехмонхонасида «Туризм: ёшларнинг янги ташаббуслари» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу анжуман «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари билан биргаликда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича таниқли туристик компаниялар раҳбарлари, турли вазирлик ва мутасадди ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Франция, Россия, Японияда ташриф буюрган туризм саноати мутахассислари иштирок этдилар.

Туризм – ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланаётган муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожлантиришда ташаббускор ва иқтидорли ёш мутахассисларнинг зарурат эканлигини таъкидлаш лозим. Анжуманнинг асосий қисми Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ҳамда «Келажак-Тур» халқаро ёшлар туризми бюросининг ушбу жараёндаги вазифаларига қаратилди. Мазкур бюронинг бош мақсади мамлакат ичида ҳамда халқаро даражада туризмни такомиллаштиришга ҳисса қўшиш ва бу соҳага кенг жамоатчилик фикрини жалб қилиш, мамлакатимизнинг туристик имкониятларини хорижда тарғиб қилишдан иборатдир. Давра суҳбати доирасида халқаро туристик алмашинув бўйича хорижда кўзга кўринган амалиётчи-мутахассислардан Япония «Proco Air Service» туристик Агентлиги вице-президенти Тоши Касахара, Франция туризм вазирлиги вакиласи Доминика Аннете, Россия туризм саноати Ассоциацияси президенти Сергей Шпилько, Москва тадбиркорлар Ассоциацияси туризм қўмитаси раиси Марина Саушкина ва бир қатор мутахассислар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларида туризм саноатини ривожлантиришда ёшларнинг ташаббус ва лойиҳалари қанчалик долзарблиги тўғрисида ҳам сўз юритдилар. Жумладан, туризмни ривожлантиришда давлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари, касаба уюшмаларининг бу жараёндаги иштироки ҳамда келгусидаги туризм саноатининг истиқболлари кўриб чиқилди. Анжуман иштирокчилари эътиборига мамлакатда экологик, спорт ва тарихий туризмни ривожлантириш каби кўпгина қизиқарли ва долзарб мавзулар дастури тақдим этилди.

Тоши КАСАХАРА, "Proco Air Service" туристик агентлиги вице-президенти:

– Мана бир неча йиллардан буён Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасида турли соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу жумладан, туризм соҳасидаги алоқаларимиз давлатларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамламоқда. Бу йўлда Ўзбекистонда фаолият юритаётган туристик агентликлар ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК билан ҳамкорлигимиз самарали кечмоқда. Бугунги тадбирнинг ўтказилиши, айниқса, унинг эътибор марказида ёшларнинг турганлиги ҳам эртамиз қурувчилари – фарзандларимизга бўлган ишончимизни тасдиқлайди. Чунки, туризм соҳасининг ривожида ёшлар ташаббусларини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Тадбир давомида ёшлар томонидан ўртага ташланаётган фикрга қулоқ солар эканмиз, улардаги шижоат ва ишга нисбатан қизиқишларини кўриб қувондим. Келажакда Ўзбекистон Республикаси билан туризм соҳасидаги, айниқса, ёшлар туризми бўйича ҳамкорлигимизнинг давом этишига умид қиламан.

Юсуф ШОДИМЕТОВ, «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти директори:

– Ушбу тадбирнинг долзарблиги шунда бўлдики, унда асосан ёшлар ўзларининг туризм соҳасига оид ташаббуслари билан янги лойиҳа ва режалар доирасида ўзаро бирлашдилар, жаҳоннинг кўзга кўринган мутахассислари билан фикр алмашдилар. Туризм соҳасини кенг жадалда ривожлантиришда бизга изланувчан, иқтидорли ёшларнинг зарурлиги ва улар орқали муайян истиқболли мақсадларни амалга ошириш муҳим вазифамиз ҳисобланади. Айниқса, экологик барқарорликни таъминлаш йўлида ёшлар билан экотуризм тадбирларини ўтказиш, уларни экологик муаммолар билан таништириш, ўргатиш ва бу борада ўз ҳиссаларини қўшишларига ундаш долзарб ишларимиздан биридир. Чунки, атроф-муҳитдаги ўзгаришлар, экологик хавф-хатар, муаммоларни бугун ёшларимизнинг биздан кўра кўпроқ билишлари ва унинг ечим йўлларини излашлари лозим. Эндиликда туризм ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириб, Оролбўйи минтақаларида экотуристик саёҳатлар ўтказиш, шароити ва экологияси оғир ҳудудларда кечаётган ҳолатлардан ёшларни воқиф этиш, муаммоларни бартараф қилишга қаратилган янги ташаббускор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, қўллаб-қувватлаш, ҳаётга татбиқ этиш ишларини бажариш фурсати аллақачон етиб келди. Ўтказилган анжуманда ёшларнинг теран, чуқур мулоҳазали фикрларини эшитдик. Назаримда, бундай хайрли ишларни аъло даражада давом эттириш, турли соҳаларга оид фикрларни умумлаштирган ҳолда изланувчан авлодларимизни кенг майдонга жалб этиш вазифалари янада жадаллашишига ишончим комил.

Бобур НАЗАРМУҲАММЕДОВ, Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетининг 3-курс талабаси:

– Давлатимиз раҳбарининг биз ёшларга билдирган ишончи, ғамхўрлиги туфайли бугун ҳар қадамда имконият эшикларимиз кенгайиб, янги ғоя ва лойиҳалар сари интилишимиз фурсати тобора ортиб бормоқда. Ўтказилган тадбирнинг бош мақсади ҳам асосан туризмни ривожлантиришда ёшлар ташаббусига қаратилган. Чунки, куч-ғайратга тўла ёшларда бугун қизиқувчанлик ва яратувчанлик маҳорати анча юқори. Бунинг учун кенг имконият ва шароит мавжуд. Шундай экан, асосий эътиборни туризм соҳасидаги янгича қарашлар, ташаббуслар ва лойиҳаларга қаратишимиз лозим.

Ушбу давра суҳбатида туризм саноатидаги етук мутахассисларнинг билим ва малакалари, ўйлаймизки, ёш, ташаббускор авлодларнинг келажакдаги фаолиятларида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Саҳифани Намоз ТОЛИПОВ ва Ирода ИЛҲОМОВА тайёрлади.

Дил изҳори

БУРЧИГА СОДИҚ ИНСОНЛАР

Ҳар йили соғлигимни тиклаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий марказида даволанаман. Шу йилнинг 15 февралида Навоий вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан берилган имтиёзли йўлланма билан мазкур тиббиёт муассасасида даволанишга келдим. Бу ерда мени қабулхона раҳбари, шифокор Л. Ҳайдарова очиқ чеҳра билан кутиб олди ва ҳужжатларимни расмийлаштириб, асаб касалликлари бўлимида даволанишимни айтди. Мазкур бўлимдаги тажрибали, олий тоифали шифокор Бўрибой Рўзиқулов қон босимим ва юрагимни текшириб кўргач, тезда муолажа ишларини бошлаб юборди. Айниқса, бош ҳамшира Д. Раҳматова, шунингдек, бирбиридан чаққон, ширинсўз ва меҳрибон ҳамширалардан Д. Шомуродова, М. Мусаева ҳамда тозалик бекаси З. Арипованинг менга кўрсатган сифатли тиббий хизматларидан мингдан-минг розиман.

Ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бемор ҳамда ўксик қалбларга нажот ва меҳр бахшида этиб келаётган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази директори, профессор А. Аляви, даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Ш. Хидиров ҳамда мазкур муассасада фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт ходимларига дил изҳоримни «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, оилаларига тинчлик-тотувлик, келгуси ишларида омадлар тилаб қоламан.

Мамнуният билан айтмоқчиманки, республика тиббиёт тизимида фахрланса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт муассасалари замонавий тарзда барпо этилиб, янги технология ва малакали кадрлар билан таъминланмоқда. Халққа сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам тобора яхшиланмоқда. Бундай муваффақиятлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Дунёда шундай инсонлар борки, ўзининг ширин сўзи, инсоний фазилатлари билан бемор қалбларга малҳам бўлади. Беморлигим туфайли бир неча бор Кармана тумани ҳокими Чинпўлат Қаноатовга мурожаат қилганимда кўнглимни кўтариб, маънавий ёрдам берди. Шу ўринда ўксик қалбимга нажот бахш этган камтарин инсонга ҳам оиламиз номидан самимий ташаккуримни изҳор этаман ва келгуси ишларига омад тилайман.

Акабой БЕКНАЗАРОВ, Навоий вилояти, Кармана тумани, I гуруҳ ногирони.

Бизнинг расмий веб сайтимизга ташриф буюринг: www.uzss.uz

Фармон ва Қарор ижроси йўлида

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

Вилоят аҳолисининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашда унинг соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ўз вақтида аниқлаб ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар сифатли ўтказилишини таъминлаш Давлат санитария-эпидемиология назорати Маркази ходимларига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини тасдиқлаш ҳақида"ги 2107-сонли Фармонига асосан, санитария-эпидемиология назорати тизимини ислоҳ қилиш мақсадида "Давлат санитария-эпидемиология назорати тўғрисида"ги Қонунга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилди.

Соҳага оид қонун, меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини, вилоятда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида Андижон вилоятидаги санитария-эпидемиология тизимидаги 18 та шаҳар ва туманлар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари фаоллик билан иш олиб бормоқдалар. Ушбу ДСНЭМлардаги 1397 нафар ходимдан 305 нафарини врачлар, 594 нафарини эса, ўрта тиббиёт ходимлари ташкил этади.

Марказ тизимидаги бўлим ва лабораториялар моддий-техник базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш борасида сезиларли даражада ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, барча лабораториялар таъмирдан чиқарилиб, ходимлар учун иш шароити яхшиланди. Вирусли гепатит касаллигининг ташхисотини яхшилаш мақсадида замонавий "Мультокан" аппарати, тиббий паразитология лабораториялари учун 10 дона замонавий микроскоп, эптомология хизматини янада такомиллаштириш ва юқори поғонага кўтариш мақсадида 4 та автомакс ускунаси, шунингдек, ходимларнинг иш шароитини енгиллаштириш учун 20 дона велосипед олинди. Мутахассислар тажрибасини оширишга кўмаклашиш, ҳисоботмониторинг тезкорлигини таъминлаш мақсадида вилоят, шаҳар ва туманларнинг барча ДСНЭМлари тўла комьпютерлаштирилди. Лаборатория ташхисот ишларини янада ривожлантириш мақсадида хориждан келтирилган 1 та кўчма автолаборатория фаолият кўрсатмоқда. Кўшни республикалар ва хориж мамлакатларидан вилоят ҳудудига ўта хавфли инфекциялар ҳамда бошқа карантин касалликлари кириб келиши, тарқалиши, шунингдек, вилоят ҳудудига сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб кирилишига йўл қўймаслик мақсадида кўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош туман, шаҳарларда ва Андижон аэропортида 8 та санитария-назорат пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Республика, шу жумладан вилоятимиз аҳолиси орасида эпидемик бўқоқ ҳамда темир танқислиги касалликларининг олдини олишда республика ҳукумати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўрилган тегишли чора-тадбирлар, вилоятимизда белгиланган тартибда бажарилиши мунтазам равишда назорат қилинмоқда.

Даволаш-профилактика муассасаларида эпидемиологик вазиятнинг барқарорлигини сақлаш ва даволаш-санитария назоратини кучайтириш мақсадида "Даволаш-профилактика муассаса"лари устидан Давлат санитария назоратини олиб борувчи бўлимлар ташкил этилиб, фаолиятлар изчиллик билан олиб борилиб, унинг натижасида муассасаларда касалликларни рўйхатга олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ишлари янада такомиллашди. Касалхона ички инфекцияларини рўйхатга олиш ва уларни тўлиқ таҳлил қилиш эса, тўғри йўлга қўйилди. Эпидемияга қарши ва профилактика тадбирлари мажмуи ўз вақтида мақсадга йўналтирилган тарзда ўтказилмоқда. Болаларни турли ҳаво-томчи юқумли касалликларга қарши эмлаш мақсадида, вилоятдаги 404 та эмлаш пунктлари етарли миқдорда совуткич ва музлатгичлар билан таъминланди. Уларнинг фаолияти доимий равишда ДСЭНМ мутахассислари томонидан белгиланган тартибда назорат қилиб борилмоқда. Эмлаш воситалари таъминотида узилишларга йўл қўйилмаяпти. Республикамизда ўтказилган 2007 йил 12 ноябрдан 25 ноябргача қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмлаш кунлари вилоятда юқори савияда ташкил қилиниб, ДСЭНМ ходимлари саъй-ҳаракатлари туфайли республикада биринчилардан бўлиб, аҳолининг уюшқоқлиги билан якунланди. Бу борада, 473 та эмлаш бригадалари тузилиб, 630 минг аҳоли эмланди. Улар ўртасида тиббий маданият ва фаоллиқни оширишга қаратилган эмлашнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш тадбирлари, шу билан бирга маҳаллаларда, ўқув юртлари, коллеж, мактабларда суҳбатлар, маърузалар, саволжавоб кечалари ўтказилди. 300 мингта эслатма, 40 мингдан зиёд плакатлар тарқатилди.

Вилоятнинг Пахтаобод тумани Маданият шаҳарчаси уранрудалар кони бўлган Қирғизистоннинг Майли-сой шаҳри билан чегарадош, шунинг учун радионуклиоидлар борлигини аниқловчи текширишлар олиб борилади. Майли-сой дарёси бўйлаб гаммафонни кузатадиган постлар ташкил қилинган. Бундан ташқари, ҳар 15 кунда дарёнинг лойқаларидан намуналарга олиниб, радионуклиоидларга текширилади. Пахтаобод тумани ҳудудида Майли-сой дарёси сувидан ўтган йил давомида 169 та намуна, шу жумладан 45 та сув ва 33 та лойиқа намуналари радиология лабораториясида текширувдан ўтказилди. Текширишлар натижасида намуналардаги гаммафон даражаси меъёрдан ортмаганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида доимий назоратни янада кучайтириш ҳамда аҳоли соғлиғини сақлаш устувор вазифа деб белгиланган. Профилактика ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бош мақсад этиб таъкидланган экан, бу албатта Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати соҳасида янада масъулият билан фаолият юритишни тақозо этади. Дарвоқе, Фармоннинг биринчи бандида "Вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш ОИВ/ОИТС касаллигини олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига ошириш", бешинчи бандида эса самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, юқумли ва ўта хавфли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш.

Оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишлари ўтказилишини ташкил этиш деб белгиланган. Бу ДСЭНМ ходимлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бинобарин, эртанги кун ворисларининг баркамоллиги, миллатимизнинг соғлом бўлиши тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсадидир. Бундай вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимиздаги, шу жумладан Андижон вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Б. ҚОРАЕВ,
Андижон вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Долзарб мавзу

БОЛАЛАР ҲАЁТИНИНГ МУҲОФАЗАСИ

ёхуд темир танқислиги анемияси ҳақида

Бутун дунё мутахассисларини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири бўлган камқонлик касаллигининг болалар орасида кўп учраётганлиги, албатта, ачинарли ҳолдир. Шундай экан, мазкур долзарб муаммо ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари томонидан ҳам кенг қамраб олиниб, болалардаги камқонлик касаллигига қарши зарурий чора-тадбир ва амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Оролбўйи минтақаларида камқонлик касаллигининг тобора кўпайиб бориши ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб келмоқда. Ушбу муаммони ўрганиб чиқиш мақсадида Анемия маркази ҳамда ЮСАИД, ЮНИСЕФ, Крослинк-интернейшнл ва бошқа халқаро ташкилотлар 1992-1994 йиллар давомида тадқиқот ишларини олиб бордилар. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг кузатувлари натижасида камқонлик касаллиги асосан нотўғри овқатланиш, яъни озиқ-овқат маҳсулотларида темир моддаси етишмаслиги туфайли келиб чиқиши аниқланди.

Маълумки, Орол денгизидаги хавфли экологик муҳитнинг юзага келиши нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ тумани экологик фожиадан азият чеккан Оролбўйи минтақаси ҳисобланади. Тадқиқот давомида жами 1414 нафар фуқаро текшириб чиқилган бўлса, улардан 553 нафари 5 ёшдан кичик, 261 нафари эса 5-15 ёшлардаги болаларни ташкил этди. Натижалар шуни кўрсатадики, камқонлик касаллиги кўпроқ 1-3 ёшли болаларда учрайди (60-90 %), улардаги касалликнинг енгил даражаси 70-75 фоизга тўғри келади. Ёши улғайган сари камқонлик кўрсаткичи 5-10 ёшли болаларда 63-58 фоизга, 11-15 ёшда эса 38-35 фоизга тушади.

Болаларнинг озиқланишини кўриб чиқадиган бўлсак, овқатланиш таркибида етарли даражада мева-сабзавот ва кўкатлар, яъни темир, фолий кислотаси ҳамда С витаминининг етишмаслиги аниқланди. Шу жумладан, 3 ёшли болаларнинг 99 фоизи ҳар куни чой истеъмол қилар экан. Ваҳоланки, ЖССТ/ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари 3 ёшгача бўлган болаларга овқатланиш пайтида чой ичмасликни тавсия қилади. Чунки, чой овқатдаги темир элементларининг организмга сингишига 40-100 фоиз тўсқинлик қилади.

Ушбу текширув натижалари Оролбўйи минтақаларида камқонликка қарши тадбирларнинг кенг қўламда олиб борилишига сабаб бўлди. Мўйноқ туманида яшовчи болаларни ЮНИСЕФ ташкилотининг беғараз ёрдами орқали ажратилган темир препаратлари билан даволаш ишлари амалга оширилиб, кўпгина ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Қўлга киритилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда аёллар ва болаларни темир ва фолий кислотаси билан саплементациялаш ҳафталик дастури ишлаб чиқилди. Шунингдек, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги анемия маркази ходимлари унни темир ва микронутриентлар билан бойитиш дастурини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этдилар. Дастур Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, JICA халқаро ташкилоти, ЮНИСЕФ ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилди. 2002-2005 йилларда ҳам бу дастур Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида амалга оширилиб, барча фертил ёшдаги аёллар, 12-14 ёшдаги қизлар ҳамда 6-24 ойлик болаларга бепул равишда икки йил давомида темир ва фолий кислотали препаратлар берилди. Бундан ташқари, республикада биринчилардан бўлиб, ушбу вилоятларда анемия кўрсаткичини камайтириш мақсадида унни темир ва микронутриентлар билан бойитиш бошлаб юборилди.

Камқонлик касаллигига қарши курашиш мақсадида бирламчи тиббий бўғинда фаолият юритаётган мутахассислар учун ҳар бир туманда ўқув-семинарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда маҳалла фаоллари билан амалга оширилаётган ишлар ва дастурлар бўйича суҳбатлар уюштирилди. 2005 йилда ЮНИСЕФнинг қўллаб-қувватлаши асосида Оролбўйи минтақаларидаги тадқиқотлар бўйича натижалар сарҳисоб қилинди. Ҳисоботлардан шу нарса маълум бўлдики, профилактика мақсадида бепул берилган темир препаратларини систематик қабул қилиш ҳамда фортификатлаштирилган ундан тайёрланган таомларни истеъмол қилиш туфайли экологик муаммога қарамай анемия кўрсаткичларини пасайтириш мумкин экан. Қорақалпоғистон Республикасида болалар орасида анемия ўртача 15 фоизга, Хоразм вилоятида 27 фоизга камайтирилди. Бошланғич даражага қараганда бу деярли 1,5-2 марта кам. Лекин бундай кўрсаткич батамом пасайди, дегани эмас, аксинча, анемияга қарши кураш ишларини янада чуқурроқ олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Юқорида ўтказилган тадқиқот ва барча тадбирлар камқонлик касаллигига қарши олиб борилган ишларнинг бошланишигина холос. Юқоридаги муаммоларнинг олдини олиш ва даволаш учун аҳоли орасида тарғибот ишларини янада кучайтириб бориш зарур.

Дилором СУЛЕЙМАНОВА,
Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги Анемия маркази раҳбари.

Саҳифадаги мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Соғлом турмуш тарзи

Республика Саломатлик ва статистика институти Сурхондарё вилояти, Денов тумани Саломатлик маркази

Халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний соғлом ва маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялаш давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бунинг яққол ифодасини мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларининг қабул қилинганлиги билан изоҳлаш мумкин.

ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ: САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтирди, десак муболаға бўлмайди. Ҳар йили қабул қилинаётган Дастурларнинг мазмун-моҳиятида шундай уйғунлик борки, унда халқимизнинг бебаҳо соғлигини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифа ётади. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саломатлик учун зарарли бўлган одатлардан воз кечиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни тиббий ускуна ва анжомлар билан таъминлаш, даволаш-профилактика ишларининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилган.

Олимларнинг фикрича, дунёда икки турдаги инсон мавжуд экан:

- *биринчи тоифаси* 40 ёшдан сўнг ўз соғлигига бефарқ бўлиб, охир оқибатда дардманд бўлиб қолади;
- *иккинчи тоифаси* эса, ўз саломатлиги учун тинмай курашади, ўқийди, изланади, шунингдек, парҳез, бадантарбия ва спорт билан шуғулланиб, соғлиғини тиклайди. Бу албатта, шу тоифадаги инсон ва унинг оила аъзоси учун ҳеч қандай ташвиш туғдирмайди. Чунки, у соғлом одам ҳисобланади.

Агар инсон организмини ўз вақтида чиниқтириб бормаса, натижада унинг саломатлиги нозиклашиб, турли касалликларга чалинадиган бўлиб қолади. Таъкидлаш жоизки, инсон саломатлигига зарар келтирувчи чекиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш каби иллатлар энг ёмон одатлардан бири ҳисобланади.

Инсон танасининг қўл, оёқ, бош, юрак, жигар, ошқозон, буйрак сингари аъзолари маълум бир вазифани бажаради. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, инсон қайси аъзосини кам ишлатса, шу аъзонинг фаолияти сусаяди. Жумладан, космонавтлар 6 ой космосда вазнсизлик ҳолатида учиб юриб, ерга қайтганда, ҳатто юра олмай қоладилар. Шунда уларни қўлда кўтариб келишади. 1-1,5 ой мобайнида махсус бадантарбия машқларини бажариш орқали улар аста-секин оддийгина юришни ўрганадилар.

Демак, наинки ҳаёт, балки бутун дунёдаги бор мавжудот, яъни ер, галактика, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси доимий ҳаракатда бўлади. Кўпчилик инсон учун зарур бўлган омил – ҳаракатни эсдан чиқаради. Хулоса қилиб айтганда ҳаракат – бу инсон кайфиятини яхшилаш, жисмоний меҳнат қилиш, ўқиш, изланиш, фикрлаш, тажриба алмашиш, юриш, югуриш, сувда сузиш ва рационал овқатланишдан иборатдир.

Бинобарин, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс эканлигини унутмаслигимиз керак. Улар учун керакли шарт-шароит ва имкониятларни яратмоғимиз лозим.

Файласуф Сукрот: "Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлироқдир", деган экан. Таассуфки, бугунги кунда фарзандларимизга маънавий тарбия, ахлоқ-одоб, юриш-туриш маданияти, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ҳақида кўп гапирамизу, лекин овқатланиш маданияти, унинг инсон организмида тутган ўрни, меъёри ва миқдори ҳақида ҳеч нарса ўргатмаймиз. Баъзан овқатланишимизда бир қонуният, йўналиш ёки тизим йўқлигидан қийналамиз. Ҳар биримиз яхши кўриб истеъмол қиладиган таомлардан қуюқ, сергўшт, серёғ овқатларнинг меъёридан ортиқча тановул қилиниши оқибатида модда алмашинувининг бузилиши, қандли диабет, семизлик, юрак ва қон томир хасталиклари, қон босимининг ошиши (гипертония), остеохондроз, бўғимлар хасталиги сингари касалликлар вужудга келади.

Олимларнинг фикрича, жисмоний меҳнат ва бадантарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланган, шунингдек, мева-сабзавотларни истеъмол қилган инсонларнинг умри узоқ бўлиб, касалликка кам чалинар экан. Яна бир маълумотга кўра, 9 кг ортиқча вазнга эга бўлган одамнинг умри 18 фоизга қисқаради. Демак, ҳар бир инсон ўз вақтида рационал овқатланишга одатланса, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланса, шундагина соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришига замин яратади.

Туманимизда "Соғлом турмуш тарзини" шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамиятини кенг кўламда тарғиб қилиш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Туман марказий касалхонаси бош врачи Юнус Ўроқов раҳбарлиги ва бош мутахассис врачлар иштирокида тумандаги барча мактаб ўқувчилари, коллеж талабалари, корхона, ташкилот, маҳалла ва фермер хўжаликлари фаоллари билан юқоридаги мавзуларда 36 марта савол-жавоб кечалари ўтказилди. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш ишларида ижобий натижаларга эришилди. Шу мақсадда тумандаги 91 та умумий ўрта таълим мактаблари, 4 та ихтисослашган мактаб-интернати, 1 та футбол мактаб-интернати, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та шахмат мактаби, 7 та касб-ҳунар коллежи, шунингдек, корхона, ташкилот, хўжалик ва маҳаллалар тасарруфида бўлган, жами 51 та спорт зали, 5 та стадион, 47 та футбол, 138 та волейбол, 72 та баскетбол, 61 та қўл тўпи, 9 та теннис корти, 26 та кичик футбол майдони, 1 та очиқ сузиш ҳавзалари йил давомида тўлиқ фаолият кўрсатиб келмоқда. Ва мавжуд спорт иншоотлари қошида спорт турлари бўйича жами 1056 та спорт секциялари ташкил этилди ва уларда 34456 нафар ёшлар шуғулланади, шулардан 14424 нафарини қизлар ташкил этади.

Кейинги йилларда Денов туманида кўпгина спорт мажмуалари ишга туширилди. Шулар жумласига: шаҳардаги Х. Муродов номли маҳалла ҳудудида қиймати 25 000 000 сўм бўлган болалар спорт мажмуаси, А. Темур фермер хўжалигидаги 89-ўрта мактабда қиймати 80 000 000 сўм бўлган 9х18 м ҳажмдаги спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу мақсадда 28 761 957 сўмлик турли хилдаги спорт анжомлари сотиб олинди. Тумандаги спорт иншоотларини таъмирлаш ишлари учун ҳомийлар томонидан 38 400 400 сўм пул ажратилди. Шаҳардаги Туркистон кўчасида замонавий "Болалар спорт мажмуаси" қурилиб ишга туширилди.

Ҳозир туман ҳудудида спортнинг шашка, шахмат, футбол, волейбол, бадиий гимнастика, каратэ, бокс, кураш турлари бўйича спорт секциялари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда 3500 нафардан зиёд болалар ва ёшлар мунтазам шуғулланишмоқда.

Тумандаги кўпчилик ўрта таълим мактаблари ва ихтисослашган мактаб-интернатларида шифокор ҳамда тиббиёт ҳамширалари меҳнат қилмоқдалар. Туман ўсмирлар поликлиникаси ва болалар поликлиникаси шифокорлари иштирокида ҳар йили мактаб ўқувчилари айниқса, спорт билан шуғулланувчилар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади ва улар доимий равишда тиббиёт ходимлари томонидан диспансер назорати остида бўладилар.

Туман марказий касалхонаси раҳбарияти, туман Саломатлик маркази ва туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассислари ҳамкорликда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига катта эътибор бериб, ўсиб келаётган ёшларимизни янада бақувват ва баркамол вояга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган.

Э. ХУДАЙНАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти, Денов тумани "Саломатлик маркази" бош врачи.
А. ХАЙБИЛОВ,
"Соғлом турмуш тарзи" бўлими мудири.

Эътироф

МАЪНАВИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ САРЧАШМАСИ

Маънавиятнинг негизи энг аввало инсон феъл-атворида шаклланади. Унинг тарғиботига эса, биз қаламкашлар масъулмиз. «Шифокор ва ҳаёт» ижтимоий-сиёсий газетаси 1998 йилдан буён Наманган вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси муассислигида чоп этиб келинмоқда. Мазкур газетамиз саҳифаларида маънавиятимизга хос бўлган материалларнинг мунтазам равишда бериб борилаётганлиги бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 451-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш бўйича Ватанимиз мустақиллигининг маънавият асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, шунингдек, тиббиёт ходимлари онги ва қалбида онаюртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида газета таҳририяти 2007 йилда учта йўналиш, яъни «Энг намунали маънавият хонаси», «Энг намунали миллий ғоя тарғиботчиси», «Миллий ғоя тарғиботи борасида ёритилган энг яхши мақола» мавзуида кўрик-танлов эълон қилган эди. Яқинда вилоят ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва таҳририят мутасадди раҳбарларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов натижалари эълон қилинди. Унга кўра, биринчи йўналиш бўйича вилоят даволаш-профилактика муассасалари ўртасида 1-ўрин Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали, 2-ўрин вилоят кўп тармоқли шифохонаси ҳамда 3-ўрин Наманган шаҳар 6-кўп соҳали шифохонаси маънавият хонасига берилди. Кўрик-танловнинг иккинчи йўналиши бўйича тақдим этилган материал ва ҳужжатлар танлов шартларига тўла жавоб бермаганлиги учун ушбу шарт қолдирилди. Танловнинг учинчи йўналиши, яъни «Миллий ғоя тарғиботи борасидаги энг яхши мақола» шарти бўйича 1-ўрин Аҳадхон Аҳмедовга насиб этди. 2-ўринга Рустамали Мамадалиев ва 3-ўринга Наманган муҳандислик-педагогика институти Информатика ва электроэнергетика факультетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари, фалсафа кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдумалик Қосимов сазовор бўлишди.

Тадбир сўнггида вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи М. Ваққосов сўзга чиқиб, танлов ғолибларини қизғин қутлар экан, уларнинг ишларига улкан ривож тилаб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Рустам МУҲАММАДИЕВ,
журналист.

Газетамизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
№ 8 (576)
2008 йил
26 февраль

Кенг қатламли аҳоли учун

ГЛОБАЛ МУАММО: ЙОД ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Йод ҳаётий зарур микроэлемент ҳисобланади ва озиқ-овқатлар билан истеъмол қилинади. Қалқонсимон без гормонлари учун йод жуда зарур. Агарда организмда йод етишмовчилиги доимий равишда кузатилса, қалқонсимон без гормонларининг ишлаб чиқиши сусаяди, бу ўз навбатида модда алмашинувининг асосий жавҳалари бузилишига олиб келади.

Дунё бўйича йод танқислиги сабабли:

- 43 миллион одамда ақлий ва жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши, шу жумладан, 11 миллион кретинлар;

- 760 миллион одамда бўқоқ касаллиги бор;

- трийодтиронин таркибида 59 % боғланган йод бор;



- тироксин таркибида 65 % боғланган йод бор.

Сўнгги 60 йил мобайнида турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш борасида ишлар олиб борилди. Жумладан, унинг таркибига ош тузи, нон, сут, шакар ва ичимлик суви киради. Уларнинг ичида ош тузи бир неча сабабларга кўра кўпроқ ишлатила бошлади:

1. Ош тузи жамиятнинг барча қатламлари, уларнинг иқтисодий келиб чиқишидан қатъи назар, деярли бир хил миқдорда ва доимий равишда истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири деб саналади. Шунинг учун ош тузига қўшилган йод каби элемент йил давомида барча ёшдаги одамлар томонидан бир хил қабул қилиниши мумкин.

2. Бошқа озиқ моддаларидан фарқлироқ, ош тузини ишлаб чиқариш марказлаштирилган саналади. Ушбу марказларда ош тузини йодлаш натижасида аҳолини физиологик меъёрда йодланган ош тузи билан тўла таъминлашга кафолат бериш мумкин.

3. Йодни ош тузи билан аралаштириш хавфсиз ва оддий усул деб саналади.

4. Бутун дунёда ишлаб чиқариладиган ош тузи кўпроқ денгиз сувидан олинади ва унинг таркибида табиий равишда йод бўлади. Сув билан бирга йод ҳам парланади ва ош тузига йод қўшиш билан биз денгиз тузининг табиий таркибини тиклаймиз холос.

5. Ош тузини йодлаш (калий йодиди ёки калий йодати ёрдамида) тузнинг таъми, ҳиди ва рангини ўзгартирмайди. Бошқача айтганда, йодланган ва йодланмаган ош тузи деярли фарқ қилмайди.

6. Ош тузини йодлаш нархи арзондир: 1 кг ош тузига 2-7 АҚШ центи тўғри келади. Кўп давлатларда у ош тузи қолдиқ нархининг 5 % дан камини ташкил этади.

Йод етишмовчилик ҳолатларини профилактика қилиш усуллари

*** Шахсий йод профилактикаси**

Йод билан бойитилган озуқа маҳсулотларини истеъмол қилиш (йодланган ош тузи), физиологик миқдорда йод тутувчи профилактик дори воситаларини қабул қилиш (йодид 100/200 мкг).

*** Гуруҳли йод профилактикаси**

Йод етишмовчилиги ҳудудларида яшовчи хавф гуруҳига кирувчиларга (болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар) профилактик дори воситаларини (йодид 100/200 мкг) қабул қилиш тайинланади.

*** Ялпи йод профилактикаси**

Кенг тарқалган озуқа маҳсулотлари, кўпинча ош тузи, таркибини йод билан бойитиш. Бу марказлаштирилган ҳолда ош тузи ишлаб чиқариш корхоналарида амалга оширилади.

Сурункали йод етишмаслиги ва қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши кўп ҳолларда қуйидагиларга сабабчи бўлади:

... рух ва нерв тизимини...	→	болаларнинг ўсиши ва улғайишининг пасайиши, зеҳннинг сусайиши, депрессия
... қалқонсимон без...	→	бўқоқ, қалқонсимон без касалликлари
... тери ва соч...	→	тери қуриши, соч тўкилиши
... юрак-томир тизими...	→	гипертония, артериосклероз, атеросклероз
... ошқозон, ичак...	→	ичак фаолиятининг сусайиши, қабзият, ич кетиши
... жинсий безлар...	→	ҳайз кўришнинг бузилиши, бепуштлик, жинсий фаолият ва интилишнинг сусайиши
... суяк ва унинг тўқималарига...	→	суяк ривожланишининг ўзгариши, паст бўйлик ва остеопорозга олиб келади

Йод моддасининг етарлича сурилиши учун оқсил, темир, рух, мис, А ва Е витаминлари организмга керакли миқдорда қабул қилиниши керак



Йод етишмовчилиги ҳолатлари ҳомиладорлик даврида оғир асоратларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Қалқонсимон без гормонларининг аҳамияти:

** ҳомилада миянинг ривожланиши, болаларда эса ўсиш жараёнида ақлий қобилиятнинг ривожланишини белгилайди;*

** меъёрий энергетик балансни таъминлайди;*

** оқсил ишлаб чиқишини тезлаштиради;*

** углевод алмашинувида қатнашади;*

** қонда холестерин миқдорини камайтиради;*

** иммунитет тизимига таъсир қилади;*

** комплекс адаптацион жараённи таъминлайди;*

** скелет суякларининг етилиши ва ривожланишини назорат қилади;*

** жинсий қобилиятнинг сифатини белгилайди.*

Туздаги йод миқдорининг тавсия қилинган даражаси ва унинг мутаносиблиги ҳамда самарадорлигини назорат қилиш бўйича қўлланма

1. Кириш

1.1. Танадаги йод етишмовчилигининг олдини олишда истеъмолдаги ош тузини йодлаш тавсия этилади.

1.2. Илгари ош тузини йодлаш борасидаги тавсиялар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача йоднинг умумий миқдоридан 25-50 % йўқолиши ва ош тузига бўлган талаб киши бошига 5-10 г тўғри келиши каби тахминларга асосланган эди.

1.3. Охирги ўн йилда ош тузини ишлаб чиқаришда йодлашни жорий қилиш ва унинг йод танқислиги оқибатида ривожланадиган хасталикларга таъсири борасида катта амалий тажриба орттирилди.

1.4. Тузни универсал йодлаш татбиқ этилган мамлакатларда йод танқислигидан келиб чиқадиган хасталиклар сонининг сезиларли даражада камайиши асосий ютуқ бўлди.

1.5. Бироқ, маълум бўлдики, баъзи давлатларда одамлар асоссиз равишда кўп миқдорда йод қабул қилмоқдалар ва бунинг оқибатида йод чақирувчи Гипертиреоз (ЙЧГ) ҳолатлари кўпаймоқда.

1.6. Шунинг асосида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (WHO), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (UNICEF), Йод танқислиги ҳолатларига боғлиқ, хасталикларга қарши кураш бўйича халқаро қўмита (ICCIDD)лар ош тузини йодлаш билан боғлиқ бўлган хасталикларни ўрганиб, Африканинг еттита давлатида изланиш олиб бордилар.

1.7. Бу изланиш натижалари ва охирги йиллар фан-техника ютуқлари асосида ош тузидаги йоднинг миқдори борасидаги тавсиялар қайта кўриб чиқилди.

2. Йодга бўлган талаб

2.1. Йодга бўлган талабни қондириш учун ҳозирги кунда қуйидаги кунлик миқдор тавсия этилади:

* 50 мкг – янги туғилган чақалоқлар ва 12 ойгача бўлган гўдаклар учун;

* 90 мкг – 2-6 ёш болалар учун;

* 120 мкг – 7-12 ёш мактаб ўқувчилари учун;

* 150 мкг – 12 ёшдан катталар учун;

* 200 мкг – ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун.

Тавсиялар

3. Ош тузи таркибидаги талаб қилинадиган йод миқдори

3.1. Янги маълумотларга асосланган, қуйидаги қайта кўриб чиқилган ҳолатларни ёдда тутинг:

** ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача туз етиб боргунча ош тузидаги йод 20 % га камаяди;*

** овқат тайёрлаш вақтида яна 20 % камаяди;*

** ўртача ош тузига бўлган бир кунлик талаб киши бошига 10 г ни ташкил этади.*

150 мкг йоднинг ош тузи билан одам танасига тушиши учун, ишлаб чиқариш корхоналарида йоднинг ош тузидаги миқдори 20-40 мг/кг (ёки 34-66 мг/кг калий йодат)ни ташкил қилиши лозим. Агарда истеъмолдаги барча туз йодланган бўлса, бунда бироз пастроқ даража тавсия этилади (20 мг йод/кг). Бундай ҳолатларда йоднинг ўртача сийдик орқали экскрецияси 100-200 мкг/л ни ташкил қилади.

3.2. Лекин кўп ҳолатларда, айниқса, ривожланиб келаётган давлатларда ош тузи саноатининг яхши йўлга қўйилганлигига қарамай мавжуд ош тузининг сифати паст ёки ош тузи нотўғри йодланган ёки тўғри йодланган ош тузи узоқ муддат намликда, иссиқда ёки ифлосланган муҳитда туриши натижасида айниган. Бундай шароитларда ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб бориш даврида йоднинг ош тузи таркибидаги йўқолиши 50 %

(Давоми 5-бетда).

Кенг қатламли аҳоли учун

ГЛОБАЛ МУАММО: ЙОД ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

дан ҳам зиёд бўлиши мумкин ва бунда ўз-ўзидан сийдикдаги йоднинг экскрецияси ҳам 100-200 мкг/л дан паст бўлади. Кўп ҳолларда истеъмол

